



ТОШКЕНТ ОЖШОМ



ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 17 (9.361) 2000 йил 9 февраль, чоршанба

Сотувда эркин нархда

САМИЙ МИННАТДОРЛИК

Юсак лавозим — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланганим ва туғилган куним муносабати билан менинг номимга хорижий давлат бош-лиқлари, таниқли сиёсат, маданият ва жамоат арбоб-лари, нуфузли халқаро ташкилотлар, фирма ва компа-нияларнинг раҳбарлари, юртимиздаги меҳнат жамоала-ри, кўлаб ватандошларимиздан табриклар келмоқда.

Мен бу кутловларни, авваломбор ҳуқуқий давлат, эр-кин ва адолатли жамият, фаровон ҳаёт қуриш йўлидан собиқадамлик билан бораётган Ўзбекистон халқига, азиз юртодошларимга хайрихоҳлик, ҳурмат-эҳтиром ва ишонч рамзи сифатида қабул қиламан. Чин дилдан бил-дирилган самий тиллар учун узоқ-яқиндаги барча дўст ва биродарларимизга, қадри ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Ислом КАРИМОВ.

Ҳамкорлик

ҚУРУВЧИЛАР СЕВИНИШАДИ

КЕЧА

Ўзбекистон пойтахтининг Сергеев туманида жойлашган Ўзбекистон — Буюк Британия "Курилишсервис" заводи кўша-корхонасида янги маҳсулот — полистирол ва безак берадиган гипс маҳсулотини тақдирот қилиш маросими бўлиб ўтди.

Яқин вақт ичида полисти-рол ишлаб чиқариш бўйича линия қуввати йилга 30 мил-лион кубометрга етади, бе-зак берадиган гипс эса 30 миллион донага етади. Бу биргина биринчи босқичга тааллуқли гаплардир. Кела-жада ана шундай гипсларни ишлаб чиқаришни 100 миллион донага етказиш ре-жаланмоқда.

"Курилишсервис" кўша-корхонаси у ташкил топган вақтдан буён ўтган олти йил мобайнида юртимизда ва унинг истеъмолчилари ўрта-сида маълум ва машҳур бўлиб келмоқда. Бу — тушу-нарли, албатта. Чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати аҳоли ва унинг турла-ри ранг-баранглиги киши диққатини ўзига тортади. Яқиндан бошлаб завод яна икки хилдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга киришди. Маҳсулотлар Американинг машҳур "Стилко" фирмаси жиҳозларида тайёрланмоқда. Олий даражадаги жиҳозлар-нинг технологик даражаси маҳсулотларнинг аҳоли дара-жада бўлиши омилли бўлмоқ-да. Ҳозирги пайтда заводда 140 га яқин ишчи меҳнат қи-лмоқда, келиб тушаётган бу-юртмалар нуктадан назардан қарайдиган бўлсак, яна бу ерда 60 ишчи ўрнини ташкил этиш имконияти туғилди.

— Бизда ишлаб чиқарили-ши йўлга қўйилган маҳсулот-га келганда, — дейди завод директори Н. А. Гаверилов, — тайёрланаётган черепица-ларга алоҳида тўхталиб ўтиш

керак. У Ўзбекистондаги но-дир материал сифатида эн-гил монтаж қилинади, мус-тахамлиги, узоққа чидаши ва кўриниши билан диққатни ўзига тортади.

Кўша корхонада тайёр-лана бошлаган пардозли гипс хусусидаги масала ху-сусида Тошкент шаҳар ҳоки-мининг биринчи ўринбосари, "Тошкентўйжойинвестури-лиш" корпорациясининг ра-иси Т. Зокиров кўпроқ қизи-қиш билдирди. Маълумки, бу корпорация кўша корхона-нинг уч муассисларидан би-ридир. Иккинчиси эса Буюк Британиянинг "Кало холдин-г" фирмасидир, учинчи муассис Европа тикланши ва тарак-киёт банки ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу кўша корхона банк муассис сифатида иштирок этаётган Ўзбекистондаги ян-го корхонадир.

Корхона ҳақида гапирар эканмиз, тайёрланаётган но-дир ўров материалли — поли-стирол ҳақида ҳам ҳар қанча сўзласа арзийди. Чунки у уй-жой ва саноат биноларида фойдаланиладиган, ажойиб сифатларга эга бўлган мате-риалдир.

Тақдирот маросимида

Бош вазир ўринбосари А.

Исаев ва Тошкент шаҳар


ҳокими К. Тўлаганов ишти-

роқ этди.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТЛАРДА: янги кўша-корхона цехларида.

Рустам Шарипов олган суратлар.



ШОИР ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЛАР

БУГУН

озод ва ҳур юртимизда яна бир кутлуг тантана — буюк шоир ва мутафак-кир, халқимизнинг улуг фарзанди ҳазрат Алишер Навоий бобомиз тавал-лудининг шонли 559 йил-лиги бутун юртимизда, унинг пойтахти гўзал Тошкентда кенг нишон-ланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳоки-мининг Навоий тавал-

луди кун муносабати би-лан Навоийхонлик кунлари-га белгиланган ранг-баранг тадбирлари улуг бобомиз-га юсак ҳурмат ва эҳти-ром рамзи сифатида ўтка-зилди.

Бугун эрталабданок пой-тахтимиздаги улуг шоир номи билан аталувчи Мил-лий бог кечаси билан ёғиб чиққан оппоқ қор билан бурканди. Покизалик рам-зи бўлган қор бу ерда ўтка-зиладиган байрам тадбир-ларига ҳам ўзгача файз ва шукӯҳ бағишлади.

Бугунги шодиёна танта-нали йиғилишига таниқли Навоийшунос олимлар,

ёзувчилар, шоирлар, санъ-аткорлар, олий ўқув юрт-ларининг талабалари ва ўқувчилар йиғилдилар. Йи-гилишни Ўзбекистон Қаҳ-рамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ки-риш сўзи билан очиб, улуг шоир ва мутафаккир Али-шер Навоийнинг шери-ятимизда, адабиётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Шунинг-дек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев, Ўзбеки-стон Қаҳрамони, Ўзбеки-стон халқ шоири Эркин Во-хидов ҳамда Навоийшунос

олим, филоло-гия фанлари доктори, про-фессор На-жимиддин Ко-миловлар улуг бобомиз Али-

шер Навоийнинг табар-рук номлари ва унинг дурдона ва бебаҳо асар-лари ҳақида фахр ва иф-тихор туйғулари ила сўзладилар.

Йиғилиш сўнгига Мил-лий боққа ташриф буюр-ган барча меҳмонлар буюк аллома бобомиз Алишер Навоий ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйдилар.

Йиғилишда Ўзбеки-стон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулло Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими-нинг ўринбосари Эркин Эрнazarов қатнашди.

Гулом ҲАМИДОВА.

СУРАТЛАРДА: Навоий номидаги Ўзбекистон Мил-лий богда улуг шоир та-валлудига бағишланган тадбирдан лавҳалар.



БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Дав-лат ва жамият қурилиши академиясида Алишер Навоий та-валлудига бағишланган Навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Кечада сўзга чиққанлар Навоий номидаги жойлар кўпли-ги, лекин Навоийнинг илмий мероси жамланган музей йўқли-гини айтиб, мазкур музейни ташкил этиш хусусида келишиб олдилар.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасида буюк аллома Алишер Навоийнинг бой ва нодир асарлари кўргазмаси намойиш этилмоқда.

• Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий универси-тетиди ҳам тилшунос олимлар билан қизгин урчушу бўлиб ўтди.

• Республика Байналмилал маданият марказида Навоий таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада турли миллий-маданий марказ вакиллари ўзларининг Навоий ижо-ди билан боғлиқ бўлган чиқишлари билан иштирок этдилар.

Тадбирда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети "Зиё" мактабидан ансамбли Навоий газал-лари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этиб даврга-файз улашдилар.

• Алишер Навоий номи республика нафис санъат лицей-ида ҳам Навоийхонлик кунларига бағишланган илмий-ада-бий кеча ўтказилди.

• Алишер Навоий номи 40-ўрта мактабда бўлиб ўтган адабий-бадий кеча улуг мутафаккир ижоди ва фалогитига бағишланди.

Сайёра СОИПОВА,
Нодирхон ЮСУПОВ,
Шониста МАХМУДОВА.

• Фазал мулкнинг: султони, улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 559 йиллигига бағишланган саҳифа материалларини газетанинг 3-бетиди ўқисиз.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи

йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 февраль кун эрталаб соат 10да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатла-ри 10 февраль соат 9.00дан 18.00га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва қончиликда ишлар-нинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмита-сини Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб бори-лишини назорат қилиш агентлигига айлантириш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасини Ўзбеки-стон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузури-даги Ўрмон ҳўжалиги бош бошқармасига айлантириш тўғри-сида Фармон берди.

• Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий универси-тетиди Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи ча-қириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маъру-засида мамлакатнинг таълим соҳасини тақомиллаштириш бо-расида кўтарилган масалаларга бағишланган йиғилиш бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида "Марка-зий Осиё минтақасидаги қуролли зиддиятлар ва уларнинг Ҳарбий санъат ривожига таъсири" мавзусида илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

• Шу кунларда мамлакатимизда Германия машинасозлик корхоналари иттифоқи бошқаруви раиси Рейнхольд Фестге бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

• Республика таълим марказида инглиз тили бўйича янги дарслик, рисола ва қўлланмалар тақдироти бўлиб ўтди.

• Ўтган йил ноябрь ойида ЮНЕСКО Бош конференцияси-нинг Парижда ўтган 30-сессиясида 2001 йилда Термиз шаҳ-рининг 2500 йиллик юбилейини дунё миёсисда кенг нишон-лаш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамасининг "Термиз шаҳрининг 2500 йил-лигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғри-сида"ги қарориди эса шу шонли санани муносиб қутиб олишга қаратилган кенг қўламли тадбирлар мажмуи белгилан берил-ди. Шунга қўра бўлажақ юбилейга қизгин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Россия Федерациясида Президент сайлови жараё-нида янги босқич — давлат раҳбари лавозимини учун номзодлар-ни рўйхатга олиш бошланди. Россия Федерацияси коммуни-стик партияси раҳбари Г. Зюгановга биринчи рақамли гувоҳно-ма топширилди.

• Аввал хабар қилинганидек, АҚШ Ҳарбий-денгиз кучла-рига қарашли "Монтерей" кемаси халқаро санкцияларга чап бериб, Ироқдан нефть олиб кетишда гумон қилинган Россия танкерини Форс қорғазисиди ушлаб олган эди. АҚШ Мудофаа вазири Уильям Коуэн ўтказилган таҳлил чиндан ҳам танкер-нинг Ироқ нефтини олиб кетаётганини тасдиқлаганини маъ-лум қилди.

• АҚШ Президенти Билл Клинтон Шимолий Ирландияда баркарорлик ўрнатилиши тарафдори эканини айтди. Ва ушбу жараёнга алоқадор томонларни аввал имзоланган тинчлик битимларини бажаришга чақирди.

• Уч кундан бери Афғонистоннинг "Боинг-727" самолёти Лондоннинг Стэнстед аэропортида қўниб турибди. Британия полицияси лайнерни озик-овқат ва керакли дори-дармонлар билан таъминлаб, ҳаво қарқчилари билан музокаралар олиб бормоқда. Лекин қарқчилар негадир ўз талабларини очик-ойдин баён этишмапти. Талибонга қарши кучлар раҳбарлари эса самолётнинг олиб қочилишида мутлақо айбисиз эканили-ларини билдирмоқдалар.

• Кеча Грузия Президенти Э. Шеварднадзе мамлакат пар-ламенти олдиди аънанавий йиллик ҳисобот билан чиқди.

• Чехия Россия, Белоруссия ва Украина фуқаролари учун виза тартибинин жорий этди. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати қарор қабул қилди.

• Кеча Индонезия президенти А. Вохид Хиндистонга икки кунлик сафарга жўнаб кетди.

• НАТО ва Ҳарбий Европа Иттифоқи 17-23 февраль кунла-ри ҳамкорликда биринчи бор Ҳарбий ўқув машғули ўтказиш-га қарор қилди.

• Кеча Грузияда биринчи босқич сайловлари бўлиб ўтди.

• 2000 йилда Россия қурол-прок экспортининг ҳажми 4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлади. Россия ҳукумати раи-сининг ўринбосари И. Клебанов журналистлар билан суҳбат-да шундай деди.

• БМТ Бош қотиби Кофи Аннан таклифига биноан Хависиз-лик Кенгаши ҳамжамиятининг Грузиядаги қузатувчи миссияси ваколати муддатини шу йил 31 июлга қадар узайтиришга қарор қилди.

• Душанбе кўни кечки пайт Душанбе шаҳри марказида учта портлаш содир бўлди. Бахтли тасодиф тўғрисида ҳеч ким жара-ҳат олмади.

Бағрикенглик, қўнғиччилик ва меҳмондўстлик халқимизнинг ала-лий ғазалатларидан. Оқу қорани, дўстун дўшманини яхши ажратма би-лаю сохта ақидаларнинг нима-лисини, қим пок ниятни ишонсу қим мунофиқ, рийкор эканлигини яхши билди. Қарангки, гурӯҳ қур-макис бўлмас экан-да: таассуф-лар бўлсинки, баъзи ёшларимиз бу-гун муқаддас динимизни ниқоб қилиб олиб, манфур ишларни ама-лга ошираётган қимсаларнинг най-рангсига учиб, муслмончилик ама-ларига бутунлай ёт бўлган номақ-бул йўл, боши берк кўчага кириб қалаётганликларни ҳар биримизни ташвишга солмоқда. Тасхирати-мизга ҳалмишарларимиздан кела-ётган дил изҳори битилган мак-тубларда ҳам турли экстремис-тик оқимлар, мутаассиб куллар-нинг тоялари қораланимоқда. Билиб билмай бу йўлга кириб қалаётган ёшларимиз тақдирдан ташвиш билдирмоқда.

Шу нуктадан назардан қаран-да, яқинда Тошкент шаҳар фао-ларининг жиноatchилик, турли ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, эл-юрт осойишталиги ва тинчли-гини мустаҳкамлаш, экстремис-тик ва ақидопараст гурӯҳлар кир-дикорларининг олдини олиш бўй-ча Санъат саройида бўлиб ўтган йиғилиш ўз мажмуи-моҳияти би-лаш жуда фойдали анжуман бўлди.

— Мен бу йиғилишни, шунинг-дек, Фаргона, Андижон, Наман-ган, Жиззах, Тошкент вилоятла-рида бўлиб ўтган худди шу мавзу-даги анжуманларни телевизор эк-ранларида кўрдим, — дейди оқшомхон Қобил Исҳоқов. — Бу йиғилишларда жуда керакли фи-клар айтилиб, диний-экстремис-тик оқимларнинг олдини олиш ма-салалари ўртага ташланди.

Чиндан ҳам ҳаёт ширин. Унда

бой нуроний кексаларимиз: "Қўзингни очиб юр болам", дея оғохлантиришларининг сабаби ҳам шу.

Узоққа бормай қўя қолайлик.

16 февраль воқеалари, ваҳодий-лик ва ҳизбут-тахрирчилик оқим-ларнинг ўзи ана шу сўзларга гу-воҳлик бериб турибди-ку. Истик-лол берган неъматларга маҳлиё бўлиб ўта хотиржамликка бери-либ кетганлигимиз панд бериб,

аъзоларимиз, қўни-қўшилари-мизни ўзгалар эмас, биринчи на-вбатда ўзимиз қўриқлашимиз, ас-рашимиз керак-да.

— Ўзим шохид бўлган шахси-мизнинг Яқкасарой туманида ис-тикомат қилувчи Фахриддин Жа-лоловнинг: "Халқим мени кечир-син, мен уларнинг асл ниятлари ва башараларини афсуски кей-инроқ билиб қолдим, қилмишим-дан пушаймонман, менга ўхшаб

марта берилади. Унда шундай

яшаш керакки, кейин инсон ўтган

умрига ачинмасин. Ватандан айро

яшаганларнинг тақдирини эса ҳами-

ша янчили яқун топган.

Шу ўринда мен адашган ёш-

ларга мурожаат қилмоқчиман:

қўзларингизни каттароқ очинг,

болаларим. Бу ноҳўя қилмиш-

ларингиз билан юрт, ота-она

тавқи лаънатига дучор бўлиб

йоришдан қўра, озод ва обод юр-

тининг фаровонлиги йўлида меҳ-

нат қилиб, шундай ўлкада яша-

ётганлигингиздан қўрқар кериб

юрсангиз, сизга ярашмайдимиз?

Ахир истиқлолимизни мустаҳ-

камлаш йўлида сиз ҳам меҳнат

қилсангиз, ҳаётимиз бундан ҳам

фаровон бўладику!

Қўриб, билиб турибсиз. Пре-

зидентимизнинг биз ёшларни ҳеч

кимга бериб қўймаймиз, уларни

ўзимиз тарбиялаймиз, деган гап-

лари кундалик ширимизга айла-

ниб бормоқда. Шундай экан, из-

затимизни билайлик. Шу Ватанга

кераклигимизни юракдан ҳис

этиб, унга садоқатли фарзанд

бўлишга ҳаракат қилайлик. Мен

не-не оғир куларнинг шохиди

бўлган бир инсон сифатида айта-

ман: Ватан она сўзидек азиз ва

муқаддас. Бунинг ҳеч қачон унут-

манг, азизлар!

Махмуд ОРИПОВ.

ВАТАН АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

яшамоқ янада гўзал, деймиз. Бу бўстонга фақат сара гуллар те-риш ниятида киримизу баъзида беҳосдан тиканакка дуч келиб ди-лимиз озор топади. Оғриқли нук-тамиз тикан азобини тарк этгунча қанча азият чекамиз. Шундай кез-ларда беихтиёр ҳаёлимиз: "Бу бўстонда қақир тиканак қайдан пайдо бўла қолди?" деган савол келади. Кетма-кет бунга жавоб ҳам ўз-ўзидан келаверади. Ёруғ оламда яхшилик ва ёмонлик, оқил-лик ва нодонлик, садоқат ва қабо-ҳат, адолат ва разолат ёнма-ён экан, гул ҳам тикандан ҳоли бўлмайди. Турмуш тажрибасига

қўзимизни каттароқ очиб қўйди-ку. Мухтарам Президентимизнинг ҳаммиза бизни оғохликамиз даъват этиб келишда катта ҳикмат бор-лигини бошимизга қулфат туш-ган ўша дамларда яна бир бор ҳис қилдик-ку!

Энг ачинарлиси, юқориди-ги воқеаларнинг иштирокчилари ўзимизнинг фарзандларимиз. Тан олишимиз керак маҳалла фа-оллари, ўқувчилар, ота-оналар, қолаверса масжидларнинг имом-хатиблари, хуллас, барча-барча-мизнинг лоқайдлигимиз тўғриси бу ноқобил кўринишлар юза-га келди. Ахир ўз уйимиз, оила

Қурилиш

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Йилдан-йилга шахримизда бунёд этилиши лозим бўлган турар жой қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Биргина Сергели туманидаги қад ростилаётган уйлارга назар ташласангиз ақингинада бу ерларда пой-девор учун бетон қуйилаётган эди. Бугунги кунда сўнгги пардоз ишлари якунланиб, хонадон эгалари уй тўйларига ҳозирлик қўришмоқда.



— Тиклаш-пайвандлаш ишлари тугар-туғамас биз пардоз ишларини ҳам бошлаб юбордик, — дейди 1-пардозлаш ишлари бошқармаси ишбоши Абдусаттор Исмаилов. — Барча ишлар бир варакайга тугаб, эндиликда бино атрофи ҳам тартибга келтирилмоқда. Бу уйимиз 36 хонадонга мўлжалланган бўлиб, 9 қаватдан иборат. Буюртмачи "Фарос" фирмасидир. Фирма томонидан қилинган таклиф бажарилиб, эътироз-

жой қурилиш" акционерлик жамиятининг 1-тиклаш бошқармаси бўлима бошлиғи Обид Рихсиев. — Сабаби ишимизни қабул қилган буюртмачи ҳам, хонадон соҳиби ҳам миннатдор бўлиши керак. "Ақл-идрок ва кунт билан қилинган иш, ҳеч қачон келтирмас ташвиш", деб бежиз айтишмаган. Иш бошлаган кезларимизда тўққиз қаватли уйни бунчалик қисқа муддатда фойдаланишга топширамиз деб ўйламаган эдик. Қурилиш материалларининг ўз вақтидаги таъминоти ва ишчиларнинг уюшқоқлик билан ишлаганликлари туфайли бу муваффақиятга эришдик. Биз йил бўйи яна бир қанча уйлари қуришга тайёرمىз.

Дилобар МҲМИНОВА.
СУРАТЛАРДА: ишбоши Абдусаттор Исмаилов бўлима бошлиғи Обид Рихсиев ва сардор Борис Шахметовлар лойиҳадаги сўнгги ишлар режасини тузишмоқда; бўёқчи-сувоқчи Альбина Шахметова ўрнатилган ромларни бўямқда; тайёр уйнинг олд кўри-ниши.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Раҳбарнинг фазилаатлари: уларни қандай шакллантириш керак?

ЎЗ ҚОБИЛИЯТИМИЗНИ ЧАМАЛАЙМИЗ

Ҳурматли тадбиркорлар! Кичик, ўрта ва хусусий корхоналар эгалари, шундай корхоналарнинг иш бошқарувчилари! Газетамизнинг 26 январь ва 2 февраль кунги сонларида раҳбарлик, бошқарува оид фазилаатларини шакллантириш, бу фазилаат ва қобилиятлар доираси ҳақида фикр юритгандик. Шу соҳада муайян вазибалар ҳам топширилганди. Шу вазибаларимиз бўйича Сиз азият муштариёларимиздан олган жавоблар ўрганилганди.

Ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилиб кичик, ўрта ёки хусусий корхона ташкил этиш уш бошқарётганлар ёки шу ишга киришишга аҳд қилганлар учун шу вазибаларга қанчалик лаёқатли эканликларини синаб кўриш имкониятини бериш тест саволларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Қуйидаги саволларга ҳолис жавоб беришга уриниб кўринг:

1. Сизда ўз корхонангизни ёки бирон ишни ташкил этиш истаги борми? Ёъни бошқалар учун ишлаш ўрнига шахсан ўзингиз учун меҳнат қилиш, ой, кунлар, дам олиш нималигини билмай, вақт билан ҳисоблашмай бор куч-имкониятингизни сарфлаш нияти борми?
2. Ҳаётингизда қутилмаган ҳар қандай тақдир "уйинлари" рўй берганда — энг қатъий ҳаракатлар қилишга ўзингизда етарли куч ва журъат топа оласизми?
3. Муайян аниқлик бўлмаган, лекин катта ютуққа эришишигиз эҳтимоли бўлган ишда иштирок этишга розилик билдирармидингиз?
4. Ишонч кам бўлса-да даромади каттароқ ишни афзал кўриб, ўртача ойлик маоши кафолатланган ишдан воз кеча оласизми?

5. Янги гоълар, фикрларни хуш кўрасизми?
6. Ишга солишдан катта фойда келадиган, ҳеч ишлатилмаган ноёб гоъларни доимий ўзлаштириб боришга қодирмисиз?
7. Анча жиддий ва қалтис вазиятларда ўзингизни синаб кўришга уринган бўлармидингиз?
8. Айни пайтда ҳамёнингизда бўлмаган микдордаги пулга гаров боғлашингиз мумкинми?
9. Бошқа дурустроқ маоши яхши иш бўлишига кафолат йўқ бўлиб турган бир пайтда кўнглингизга ўнчалик хуш келмайдиган ишдан воз кечасизми?
10. Янги гоъларнингизга Сиздан юқори турган раҳбариятнинг муносабати аниқ бўлмаган ҳолатда ҳам Сиз уларни таклиф этган бўлармидингиз?
11. Ўз феъл-атворингиз, ҳаракатларингизда мустақилмисиз?
12. Ҳаётга иштиёк, куч-ғайрат соҳасида катта заҳирага эгаман, деб ҳисоблайсизми?
13. Асабларингизни "қитқовчи" ўткир ҳиссиётлар, кескин воқеаларни хуш кўрасизми?
14. Кўп кўчиб юришга тўғри келадиган ишга кирган бўлармидингиз?
15. Ҳаётингиздаги кескин ўзгаришлардан хавотирланмайсизми?

Саволларга ижобий жавобларингизни санаб чикинг. Уларни кўшганингизда 13 ва ундан ортиқ рақам келиб чиқадиган бўлса — тадбиркорликда кучингизни синаб кўришингиз мумкин.

Мабодо, бу борада алоҳида фикрларингизни ўртоқлашиш истаги туғилса — тахририятимизга ёзиб юборинг. "Раҳбарлик фазилаатлари: уларни қандай шакллантириш керак?" рукини учун, деб қайд этишни унутманг.

Муқаддас бурч

ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Фарзандларимизнинг ҳарбий хизматига тайёрглиги аҳоли уларнинг соғлиги ҳамда жисмоний тайёргарлигига кўпроқ боғлиқдир. Айниқса, бу сифатлар қайд этиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида аниқ намоён бўлади.

Шу йилнинг январь ойида чиққан Ўзбекистон Республикасининг "Ўқувий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни мувофиқ 1983 йилда тутилган барча фуқароларни қабул участчаларида ўз вақтида ва юқори даражада қайд этилиши таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга кўра шахримиз туманларидаги мудофаа ишлари бўйича бўшларнинг қақриқ участкаларида 1983 йилда тутилган ўғил болаларни қайд этиш ишлари бошланиб кетди. Биз Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг ходими Пўлатжон Мақсудов билан шулар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Пўлатжон Мақсудович, бу йилги фуқароларни қайд этиш жараёни қай тартибда ташкил этилди?

— Фуқароларни қайд этиш ёки қақриқ масъумига тайёргарлик қўриш — бизнинг ҳар йилги бажарётган ишларимиздан. Аммо, шунга қарамай, ҳар масъумида ўзини хос қийинчиликлар ҳам учраб туради. Бу эса албатта ўз навбатида ходимларимизнинг ўз ишини қандай бажаришига, шунингдек, бу борада бизга бевосита кўмак бераётган ташкилотларнинг масъулигига ҳам боғлиқ. Ҳар ҳолда кейинги пайтларда ҳар йилги қақриқ масъуми муваффақиятли якунланмоқда. Бунга сабаб қақриув участкалари томонидан фуқароларни ўз вақтида ва юқори даражада қайд этилганидир деб биламан.

Бу ишларимизда туман ички ишлар бўлимлари, маҳалла фаоллари, тиббий ходимларнинг хизматлари беқиёс бўлмоқда. Бу йилги қайд этиш ишларимиз ҳам жуда кўтаринки руҳ билан бошланиб, тасдиқланган режа асосида ишларимизни давом эттирмоқдамиз.

— Қайд этиш чоғида кўпроқ нималарга эътибор берилмоқда?

— Асосан йигитларнинг соғлиғига эътибор бермоқдамиз. Мабодо соғлиғида жиддий камчилик кузатилса, уларни тиббий кўрикдан ўтказиб, зарурий чоралар кўришмоқда. Масалан, ўша жойининг ўзида касаллиги аниқланиб, зарур бўлса соғломлаштириш ёки даволаниш учун ўйланма берилиб, қонуний чоралар кўрилади.

Муаммоларимиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, кўп ҳолатларда туман паспорт бўлимлари томонидан айрим камчиликлар кузатилмоқда. Яъни, 16 ёшга тўлганлар ёки ундан катта ёшдаги йигитларга ҳарбий бўлимлардан қайд этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат бўлмаса ҳам уларга паспорт бериш ёки доимий рўйхатга қўйиш ҳолатларидир. Натижада йигитларимиз паспортларини кўлга олгандан сўнг ҳарбий рўйхатдан ўтмасдан қочиб юришади. Биз шу соҳада ишловчи мутахассисларга илтимос қилардикки, ушбу дилхиралликларнинг олдини олишса, нур устига аъло нур бўларди.

Уйламанки, бу йилги қайд этиш жараёни ҳам кўнглидагидек якунланади. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд.

Суҳбатдош Очил ҲАЗРАТОВ.

Тошкентдаги шаҳар компьютер лицейи ўзининг бой ва мустақам ўқув-моддий негизига эга. Янги турдаги бу лицей даргоҳи техника ўқув қуруллар билан ҳам яхши таъминланган.

Ана шуни ҳисобга олиб, лицей негизига қўшма корхона очил

Ўтмиш замонларда ҳаёт кечириш шу даражада оғир ва машаққатли бўлганки, одамлар куч-ғайрати ва топан-тутганининг талай қисмини мамлакатнинг мудофасига сарфлаган. Чунки босқинчиларнинг таъовузи ва талони кўқисдан тез-тез бўлиб турган. Бундан сакланиш учун шаҳарлар ва ҳукумат саройи қалин ва баланд деворлар билан қўшаб олинган. Масалан, милоддан аввалги II-асрларда Тошкент воҳасидаги шаҳарлар деворлар билан ўралиб, қавлага айлантилган эди. Хусусан, IX-асрларда Тошкентнинг ўзи ҳам икки қатор девор билан ўралган бўлиб, биринчисида ҳадимин, саҳна, Рашидхаж, Ҳакан сингари дарвозалари бўлган. Иккинчи ташки деворнинг Фарақет, Ҳаскет, Сандижақ, Темир, Бақирдиджақ, Секрек ва Сағрабадлардан иборат етти даравага эга эди. "Шаҳар дейилган, — манбада, — боғу равонлар билан қопланиб, Мовароуннахрнинг энг соғлом ва кўркам даргоҳи ҳисобланади. Уйлар паҳса билан қурилган бўлиб, уларнинг кенглиги билан ажралиб туради. Барча хонадонлардан сув оқади". Шунингдек, у ерда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

IX асрда Чирчиқ воҳаси "девори сайлик" номида узундан-узун девор билан тўсилган эди. Бу Тошкентнинг мудофаа девори Чортоқ тоғларининг этакларидан, хусусан Фазлқентдан бошланиб, ҳозирги Бўстонлик ва Чирчиқ шаҳри орқали Қорасув, Назарбек, Янгийўл туманларигача қўзилиб кетган. Девор Чиноздан Сирдарёгача бориб тақалган. Унинг узунлиги тахминан 200 километрга борган. Тошкентнинг ўзи ҳам қалин ва баланд девор билан ўралиб, дарвозалари бор эди. Атрофи сув тўлдирилган зовур билан тўсилган. 1730—

40 йилларга тегишли ҳужжатларга кўра Тошкент шаҳрининг атрофи ҳамон девор билан ўралиб турган. Деворнинг устки қисми анча кенг бўлиб, икки олтиқ қилиб бемалол юрган. Унинг Қоқанд, Қашқар, Лабаз, Таштапул, Қорасой, Чига-той, Қўча, Самарқанд, Камолон, Қаймақ сингари 12 та дарвозаси бўлган. Уларни тасофиди минора ва деворнинг устида оқчилар доимо атрофини қўзиб турганлар. Улар душман шарпасини сезишлари биланқор девор устида чолиб ва "ёв келаетир" деб бақиршиб, шаҳар аҳолисини жангга давъат этган.

Шаҳар ичида ҳокимият вакиллари учун алоҳида сарой бўлиб, у ҳам қалин ва баланд девор билан ўралиб, олтига дарвозага эга эди. Деворнинг катта дарвозалари, от арава, савдо қаровонлари ва қўшиннинг ўтишига мўлжалланган. Айрим кишиларнинг шаҳардан чиқиши ёки кириши учун тешик қопқоқ, янги Маҳма ва Сарбоз номли кичкина дарвозалар қўрилган.

Шаҳар деворининг баландлиги 7 метрдан 9 метргача борган. Унинг тар қисми бўйлаб кенг ва чуқур зовур (ҳандак) қазилиб сув билан тўлдирилган. Бу душманларнинг деворга яқинлашишига йўл бермайдиган тўсиқ ҳисобланган. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигининг ҳукмронлиги даврида ўн минг аскар синадиган катта ҳарбий қавла қурилади. У "Ўрда" номида ҳозирги Бўсувнинг қирғоғидан бошлаб Ҳадича Сулаймонова номидаги кўча ва атроф жойларда бунёд этилган. Бу ерда ҳокимият саройи, ҳарбий яроғ-аслаҳалар ва қўшин жойлашган. Ҳозирда Навоий кўчасидаги "Ўрда" номи ўша қавланнинг юзига қилиш билан боғлиқдир. Бу қавланнинг ён бағридаги собиқ Қашкар маҳалласида ҳам сарбозлар оилалари билан яшаганлар. Шунингдек, қазарма ва отхоналар қурилган.

Шундай қилиб кўрдикки, тошкентликлар юз йиллар мобайнида девор қуришда яшашга мажбур бўлган. Энди муқтарам ўқувчилар бир дақиқа тасаввур қилинган, ниҳоятда узундан-узун ва баҳайбат деворларни кетмон ва бел билан қуришининг ўзи бўлганмикин? Шубҳасиз, улар кўп вақтларни, маблагларни ва машаққатли меҳнатни талаб этган, албатта. Шунга қарамай халқ она юрт мустақиллигини сақлаш учун зарур бўлса, осмондаги қолдунчи ҳам олишга ҳаракат қилишган. Кўп микдорда қурол-аслаҳа, озик-овқат тайёрлаш, ҳарбий машқларни ўзлаштириш ҳам жуда қўмнатга тушган. Халқнинг бундай ниҳоятда оғир ва машаққатли вазифани бажонидил амалга оширишининг сабаблари бор, албатта. Авваламбор унинг Ватанга содиқлиги, мустақиллик ва озодлиқни ҳаётнинг рамзи деб ҳисоблаши мўҳим ўрин эгаллади. Бунинг учун у жонини ҳам, молини ҳам фидо айлади. Ҳеч қандай даҳшатли қирғин ва талафотлар халқнинг озодлик йўлидаги қурашларини қўйиб ташлаш олмади. Аксинча озодлик гоъларни кишиларнинг онги ва қалбига ашайверди. Шунинг учун ҳам одамлар бир қўлида иш асбоби, иккинчисиде эса қурол-аслаҳа билан юрган. Ҳатто улар кечаси ёстиқнинг тағида пичоқ ва ёнида яроғ-аслаҳа сақлаб улаган. Чунки душманнинг ҳар дақиқда ҳужум қилиши оддий воқеа эди. Шуни алоҳида тақдирлаб ўтиш лозимки, халқ оғир ва хавф-хатарли шароитнинг асирига айланимай, она юртнинг моддий ва маънавий ҳаётини таъминлаш учун тинимсиз меҳнат қилди. Бу соҳаларда асрлар оша кўлга киритилган ютуқларни кўз қорачиғидек сақлаб ва тақомиллаштириб борди. Улар моҳирлик билан авлоддан авлодга ўтказиб турилди. Натижада шаҳарда деҳқончилик, қорвачилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ўз йўлида давом этди. Аммо шаҳарнинг инкирозога учраган вақтлари ҳам бўлган. Чўнончи XVIII асрда қалмок ва бошқа кўчманчиларнинг ҳужумлари ва ҳукмронлиги даврида оғир шароит юзга келди. Босқинчиларга қарши қурашларда кўп қонлар тўкилди ва бойлиқлар таланди. Аммо халқ қурашнинг тўхтатмади. Натижада 1780 йилда Юнус Ҳўжа бошлик мустақил Тошкент давлати ташкил топди. Бу давлатга Тўйтепа, Паркент, Чордора, Охангарон, Ҳўмон, Чимкент, Сайрам, Туркистон ва умуман Сирдарёгача қўзилган ерлар бўйсиндирилди. Шу равида Тошкент қаддини ростлаб ривожланиш йўлига ўтди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдога ўсиш кўзга ташланди. Шаҳарнинг мудофаа девори ва дарвозалари мустаҳкамланди. Қўшин қўян ва темирдан ясалган кичик тўплар билан қуруллантилариб, жанговарлик фаолияти оширилди. Юнус Ҳўжа тоғ маъданларининг ҳаётдаги аҳамиятини яхши англаб, Россия ёрдамида қонларни ишга солишга қаратилган чораларни кўрди. Натижада Тошкентга рус тоғ мутахассислари ташриф буюрди. Бирок шароит тақозосига кўра мақсад амалга ошмади. Аммо Россия билан савдо алоқалари тобора ривожланиб борди. Бунда ҳар икки то-

мон ўртасида элчилик алоқаларининг йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этди. Бу вақтларда Россияда, хусусан Сибирда ўзбек газламалари, кийим-бошлари ва бошқа молларига талаб зўр эди. Айни пайтда Тошкентда рус молларига эҳтиёж мавжуд эди. Умуман ҳар икки томон савдо алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор эди. Бу борада Тошкент ҳукмдори мустақил ва тенг ҳуқуқли давлат сифатида, Россия билан алоқа ўрнатган. Бундай алоқалар хусусида бир мисол келтираман. Юнус Ҳўжа ўзининг биринчи маслаҳатчиси Муллажон Охун ва Мингбоши Аширмат Ботирларни элчилар сифатида Петербургга жўнатади. Бу элчилар 1796 йилда Омск, Екатеринбург, Пермь, Қозон ва Москва орқали Петербургга келишади. Бу ерда элчиларга зўр ҳурмат ва иззат кўрсатилиб, шахсан император томонидан икки марта таба қабул қилинади.

Тошкент элчиларига Юнус Ҳўжа номига рус императорининг ёрлиғи, қандлар А. А. Безбородкиннинг хати ва турли совғалари топширилди. Юнус Ҳўжанинг рус императорига юборган 45 тўп ипак газламаси ва 10 жуфт қимматбаҳо мўйнаси эвазига ҳар бири 20 газ келадиган икки тўп қимматбаҳо газлама (парча), 12 газ кўк мовут ва олтин қанжирли олтин соат, Муллажон Охунга ва Аширмат Бақирдидларга 12 газдан газлама (парча) ва 6 газдан кўк мовут берилган.

Муллажон Охун рус императорига шахсан ўз номидан қалам ва 3 та қоплон териси соғва қилинган учун унга олтин соат ва олтин узук қўшимча соғва қилинган. Бу совғалардан ташқари, ҳар икки элчига 1000 сўм пул муқофоти ва бирга келган қариндошлари ва хизматқорларига ҳам совғалар топширилган.

Тошкент давлатининг қучайиши ва мавқеини мустаҳкамлашиши Қўқон хонлигининг манфаатларига зид эди. Шу боис ҳар икки томон ўртасида тўқнашулар бўлиб, гоҳ у, гоҳ бу томон ғолиб келди. Пировардида, 1809 йилда шаҳар хонлик томонидан босиб олинди. Шунингдек, ҳозирги жанубий Қозғистон ва Қирғизистон ерлари хонлиққа бўйсундирилди. Шаҳарнинг эгаланиши Қўқон хонлигининг салоҳияти қучайишига олиб келди. Шу боис хонлар Тошкентнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, қозоқ ва қирғизларни бошқариш ваколатини унинг ҳокимлари зиммасига юклди. Ҳатто унга Беклар Беги мақоми берилди. Аммо, шаҳар хонларининг тахт учун олиб борган ўзаро қурашларининг даҳшатли оқибатларидан холи қолмади. Бу ерда уларнинг акс садоси ақол кўзга ташланиб турди. Шаҳарнинг асрлар давомида девор қуришда туриши мустақиллиқни сақлашда мўҳим ўрин эгаллаган бўлсада, лекин у шаҳарнинг кенг қўламда қўлоқ ёйиши ва ривожланишига тўсқинлик қилди. Девордан ташқарида яшашни иложи йўқлиги орқасида иморатлар зич ва папа-партиш қурилди. Натижада қўчалар тор, эгри-бурти ва боши берк бўлиб қолди. Бунинг устига қўчаларни қишда лойга, ёзда эса тупроққа беланиб ўтиши ободончиликка ва озодагарчиликка халақит берган. Кекса одамларнинг айтишича, ҳар маҳаллада махсус 30—40 этик тайёрлаб қўйилган. Улар лой-гарчилик вақтларда мурдаларни мозорга олиб боришда қийилган. Бирок тор ва боши берк, яъни "жин" қўчаларнинг маълум даражада фойдаси теккан. Чўнончи, душман шаҳарга бостириб кирган вақтларда қўчаларда ҳам жанг қилинган. Уларни оғзи (очик томони) турли нарсалар билан тўсилиб, баррикадалар қурилган. Бордини душман бостириб кирса, у вақтда одамлар ўз ўйларининг томларидан тош, гувала, найза ва бошқа нарсаларни душман устига ёғдирганлар.

Шаҳарда ерининг танқислиги орқасида кўп ҳолларда икки қаватли уйлар қурилган. Иккинчи қавати — болхонда ўтин, ем-хашак, таппи, рўзгор буюмлари сақланган. Шунингдек, уларнинг орасида одамлар пайдақилганлари ҳам бўлган. Уларнинг томлари сомонли лой билан ҳар йили ёки икки йилда бир марта таба сувалиб турилган. Бу иш анча оғир бўлганлиги учун қўшинларнинг қатнашувида ҳашар йўли билан бажаришган. Юқорида кўрсатилган оғир ва машаққатли шароитта, шў жумладан хавф-хатарга қарамай, шаҳарда ҳаёт ҳамиша қайнаб турган. Бунда халқнинг ўзи меҳнат-севарлиги, сабр-қаноати, чидамиллиги ва она юртини дилдан севишлиги хал қўлуви учун эгаллади. Натижада фан ва маданият соҳаларида ютуқларга эришилди.

Тошкентда VII—VIII асрларда рақс ўйини ривожланиб, довури Хитойгача таралган. Бу ерда тошкентликлар ўзларининг ниҳоятда моҳирлик билан кўрсатган рақслари билан томошабинларни лол қолдирган. Ҳатто уларга атаб шеърлар битилган. Хитойда ўзбек мусиқа асбобларидан фойдаланилган.

Шаҳарда Абу Бакр Муҳаммад Кафол Шойий (X аср), Абу Мансир ас-Салоби (961—1038), Абу-р-Раби ал-Балхий, Бадриддин Чочи (XIII аср), Зайниддин Восифи (XV—XVI аср бошлари) сингари кишилар бадий ва фалсафий асарларни яратдилар. Фан соҳасида Муҳаммад ибн Аҳмад Али ал-Илоқи, Али Ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Банакети (XIII аср), Жамшид Шойи (XIV аср), Ҳамид Тошқанди (XV аср), Абу Сулаймон Фахриддин Али ибн Абул Фазл Давуд ибн Муҳаммад ал-Банакети (XIII—XIV асрлар) самарали ижод қилганлар. Тошкентда медицина соҳасида ҳам асарлар яратилган. Масалан Шарафиддин Абу Абдуллах Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илоқининг ишлари (XI аср) шулар жумласидандир.

Кейинги асрларда ҳам олимлар, шоирлар ва бошқа зиёли вакиллари фаолият кўрсатдилар. Хусусан, Мавлоно сони Ермуҳаммад ибн Пирмуҳаммад Тошкенди, Боқи Тошқанди, Жамил Мирок Тошқандий, Ҳолис Тошқандий, Шойий Ақнал Тошқандий, Ҳофиз Қўҳақи, Али Сиддиқи, Мирза Муҳаммад Хайдар, Эшон Ҳўжа ва бошқалар қимматли асар ва шеърларни яратдилар.

Убайдулла ибн Муҳаммад Юсуф ал-Қаҳқол, Боқи Жарроҳ, Юсуф Табиб сингари кимсалар медицина бўйича катта хизмат қилдилар. Тошкентда мусиқа ҳам ривожланди. У ерда меъморчилик санъатининг ёрқин намунаси бўлиши Кафол Шойий, Шайхонтоҳтир, Юнусхон мақбаралари қурилган. Қўқалдош, Бароқхон, Ҳўжа Ахрор ва бошқа мадрасалар, масжидлар бунёд этилди.

Шаҳар маъмурий жиҳатдан Шайхонтоҳтир, Себзор, Беш-ғоч ва Қўқон номларида турт қисми ўз ичига олган. Уларни ҳар бирининг ўз раҳбари, қозиси, мишраби бўлган эди.

Ҳамид ЗИЁЕВ, профессор.



Узоқ ўтмиш тарихига эга пойтахтимизнинг бугунги жамоли кўзаларни қувонтиради.

Таълим

ЛИЦЕЙДА ҚЎШМА КОРХОНА

лозим деб топилди. Жанубий Корей мутахассислари иштирокида ташкил топаётган мазкур корхона лицей ва коллежлар учун ўқув

мебеллари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхонага ўрнатиладиган ишлаб чиқариш жиҳозлари Жанубий Корейдан

олиб келинади. Тошкентдаги "Файз" ҳиссадорлик ҳолдинг компанияси саъй-ҳаракати билан бунёд этилаётган ўзбек-корей қўшма корхонаси замонавий мебеллар тайёрлаб, қўллаб буюртмачиларга етказиб беради.

Ақбар АЛИЕВ.



2000 — Соғлом авлод йили

МАРОҚЛИ ЎТДИ

“Маҳалла мустақам бўлсагина давлатда оёқшайди ва барқарорлик ҳукм суради”. — Президентимизнинг ушбу сўзларида олам-олам маъно мужассам. Худди шунингдек, оила тинч бўлса, маҳалла ҳам тинч ва тотув бўлади.



Яқинда республика Ёш томошабинлар театрида Соғлом авлод йилига бағишлаб Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан “Маҳаллада соғлом муҳит — мактабда соғлом авлод” мавзuida шаҳар кўрик-мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада шахримиздаги бешта — Акмал Икромов, Миробод, Шайхонтохур, Сергели, Юнусобод туманларидан қатнашган мактабларнинг ўқувчилари беллашди. Туманлардаги мактаблардан ташриф буюрган команда аъзолари “Бизнинг маҳаллада яшаш қандай яхши”, “Маҳалламиз — фахримиз”, “Оила — маҳалла — мактаб” деб номланган ўзлари тайёрлаган кўргазмаларини ҳам намойиш қилдилар. Ўқувчилар кўрик-мусобақада бешта шарт бўйича белла-

шув ўтказдилар. Булар — мен ва менин маҳаллам, шахримиз тарихига оид савол-жавоблар, маҳалла ва оиладаги муаммолар, болалар ва спорт ҳамда болалар ва санъат сингари шартлардан иборат бўлди.

А. Икромов туманининг “Катта Қазни”, Миробод туманининг “Сариқўл”, Шайхонтохур туманининг “Лабзак”, Сергели туманининг “Иттифок”, Юнусобод туманининг “Отчопар” маҳаллалари мактабларининг ўқувчилари мусобақада аввало ўз қадрдон маҳаллаларининг тарихи, келиб чиқиши ва қандай одамлар яшаб ўтгани тўғрисида маълумот бериб, ўзлари яшаб турган маҳаллага бўлган муҳаббатларини, зук-коликларини намойиш қилдилар. Шунингдек, ўқувчилар барча шартлар бўйича топшириқларни ўта маҳорат ва эпчиллик билан бажардилар.

— Бу йил Соғлом авлод йили деб жуда тўғри номланди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Саида Абдурахмонова биз билан сўхатда. — Шу муносабат билан “Оила — маҳалла — мактаб” концепциясига биноан ана шундай тadbирларни ташкил этилган ва бундан кейин ҳам болаларимизнинг соғлом фикрли, ҳар томонлама етук, билимли ва тарбияли бўлишлари учун кўплаб қизгин учрашув ҳамда мусобақалар ўтказишни режалаштирганимиз. Албатта, мана шундай тadbирларнинг ўтказилиши фарзандларимиз учун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Юртбошимиз ҳам “Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади” деб бежиз айтмаганлар.

“Қизикarli ва мазмунли ўтган мусобақада сеvimли санъаткорлар, “Юлдузча” гуруҳи ижросидаги куй-қўшиқлар бу ажойиб кечага янада фойз киритди. Мусобақа сўнггида Шайхонтохур туманидаги 154-мактабнинг “Лабзак” командаси ўқувчилари энг юқори балл тўплаб, голибликни қўлга киритишди.

Кўрик-мусобақа иштирокчиларига Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Дилором ИКРОМОВА,
Шоира МУХАМЕДОВА.

СУРАТЛАРДА: кўрик-мусобақадан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Хоҳ ишонинг, хоҳ...

АНТИҚА ШОВ-ШУВ

Франциянинг Лион шаҳар клиникаларининг бирида машҳур жарроҳ Жан Мишель бошчилигида жаҳон тиббиёт тараққиётида барчани лол қилдирган бурилиш ясалди.

У 50 кишилик шифокорлар гуруҳи билан (улардан 15 таси энг тажрибали жарроҳлар) 1996 йили

ракета портлаши натижасида тирсагидан кейинги қисми узилиб кетган бир йигитнинг қўлини жарроҳлар узоқ давом этган мас-лаҳатлашувдан кейин бу йигит қўлига тўсатдан вафот этган одамнинг қўлини кесиб ўтказишга қарор қилди. Узоқ давом этган операция натижаси ижо-

бий ҳал бўлди. Операция жараёни йўлдош телевидениеси орқали кўп мамлакатларда намойиш этилди.

Келажақда бахтсиз ҳодиса туфайли кесилиб кетган оёқларни ҳам кўчириб ўтказиш устида изланишлар олиб бориламоқда.

Илҳом ШЕРМУHAMMAD.

ГРИППДАН ЖУДА ХАМ ЭХТИЁТ БУЛИНГ!

Шарқона муолажалар

ТУРКОНА ДАВОЛАР

● Халқ табobati амалиётида тулхайри илдизи асосида тайёрланган дамова томоқ қирлиб, “кув-кув”лаб йўталлида, нафас қисилида, ўпка шамоллашида, балғамнинг кўкракда “кигиз” бўлиб ёпишиб туришида, кўйиғалда, балғам кўчириш мақсадида фойдаланилади. Бунинг учун бирор идишга (чойнак, шиша банка, озги кенг шиша) 2 стакан қайнатилиб совутилган сув қуйилади ва майдаланган илдиздан 4 чой қошиқ солиб, вақти-вақти билан чайқатиб турган ҳолда 8 соат қўйиб қўйилади. Сўнг дамова докадан ўтказилади, кунига 3-4 маҳал ярим стакандан ичилади.

● Ҳозирда қарийб ҳар бир хонадонда етмак илдизи бўлади. Унинг воситасида нишолда тайёрланиши барчага маълум. Ана шу етмак асосида йўталга малҳамлик қўла оладиган доривор омил тайёрланса ҳам бўлади. Бунинг учун 1 чой қошиқ микдорда етмак илдизи кукунни устига 1 стакан қайноқ сув қўйилиб, енгил аланга устида 10 дақиқа тутиб турилгач, 1 соат мобайнида давланади. Сўнгра шарбати сузилиб, ундан ош қошиқда кунига 3 марта ичилади. Бундай амал нафақат қуриқ йўтални қолдириб, балғам кўчирибгина қолмай, балки нафас йўллариининг шамоллаши (бронхит) ҳамда теридаги яраларни даволловчи восита бўлиб хизмат қилади.

● Беҳи уруғлари асосида тайёрланган қайнатма кўкракни юмшатувчи, енгил сурги сифатида фойдаланилади. Бунинг учун беҳи уруғларидан 1 қошиқ (5 грамм атрофида) олиб 1 литр қайнаб турган сувга солиб давланади. Ҳосил бўлган елимшак, қовушқоқ суюқликдан кунига ярим пиёладан 4-5 маҳал ичиб турилади.

● Богчангизда, ховлида манзара кашф этувчи гулу чечаклар орасида уч рангли бинафша ҳам ўстирилади. Ана шу гўлнинг ҳосиятларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун уч рангли бинафшанинг ер устки қисмидан 40 граммгача олиб 2 стакан қайнаб турган сувга солинади-да, 2 соат чамаси давланади. Сўнгра бирор мато воситасида сузиб олиниб ярим пиёладан кунига 3 маҳал ичилади. Бундай амал юқори нафас йўллариининг шамоллашида, балғам кўчирувчи дори сифатида таъсир кўрсатади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, йўталнинг сурункали тус олишига йўл қўймаслик керак. Ўз вақтида дардга эм бўлувчи омиллардан фойдаланиш билан бирга шифокорнинг кўригиде бўлиш лозим.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

“02”

ҚИЯҒИР ИШНИНГ ҚИЯҒИ

● Юнусобод даҳасининг 2-мавзесида ҳеч қандай иш-ламайдиган, 1982 йилда туғилган С. Ваҳиднинг кўчилини ўзидан бир ёш кичик бўлса-да С. Емченкога кўрсатмоқчи бўлиб, безорилик ҳаракати қилди. Шу туфайли С. Емченонинг бурун суякларини синиб, жойидан қўзғалди.

● Яна бир безори кеч соат 24 да Сайилгоҳ кўчасида жамоат тартиби қоидаларига қасддан ҳурматсизлик қилиб, ошхона личогои билан қуролланиб, ўзидан етти ёш кичкина бўлган, воёта етмаган, 1985 йилда туғилган Б. Ҳакимовнинг беллигини чап қисмига личок билан уриб, тин жароҳати етказди. Бу зўравон 1978 йилда туғилган А. Қорабев бўлиб чиқди.

● Юнусобод туманидаги Охунбобоев кўчасида жойлашган “Олтин ўғлон” шахсий фирма дўканидан 8 турдаги буюмлар йўқолди. Қўрилган чора-тadbирлар натижасида 1982 йилда туғилган Д. Риболченко ушланди. Ундан далилий ашёлар олинди.

● Шайхонтохур туманидаги Чорсу бозорида ўғирлик қилган йигит даъиди эмас, фақатгина Наманган вилоятидан бўлиб, фуқаро Х. Турғуновнинг қўлидаги сумкасида яширин равишда 5 минг сўм пули бўлган аёллар ҳамёнини, ҳужжатларини ўғирлаб кетганда ИИБ ходимлари томонидан тўхатиб қолинди. У ким деб сўрамоқчи бўлсангиз 1981 йилда туғилган И. Уринбобоевдир.

● Мирзо Улугбек туманидаги Яланғон даҳасида жойлашган тижорат дўкони олдида тўхатилиб текирилганда С. Степановнинг ёнидан 0,93 грамм героин наркотик моддаси топилди. У билан суҳбатлашув жараёнида С. Степановнинг муқаддам судланганлиги маълум бўлди.

● Лисувон кўчасидаги Кадишев бозорида юрган даъиди В. Шени текирилганда унинг бангилги маълум бўлиб қолди. У ҳам анойилардан эмас экан. Кийимига яхшилаб беркирилган 0,63 грамм героини ички ишлар идоралари ходимлари бариб-ир топиб олинди.

Ботир ЖАМОЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот маркази
инспектори, милиция
лейтенанти.

Катта-катта икки маҳалла орасида мўъжазгина маҳалла бор. Бу маҳалла аҳли жуда иноқ, қариларику ҳамма орзу қилса арзизудек.

Отахонлар устаклар орасида қилиб кетган уч со-тикча жойни, ширингина қилиб бегаб олишган: қўлагина ўқочбоиши ҳам, бе-малол гунгунлашиб ўтира-диган кенггина хонаси ҳам, у-бу саклаб қўядиган ҳуж-рачаси ҳам бор. Унга “Нуро-нийлар клуби” деб от қўйиб олишган. Нуронийлар ҳа-тада бир кун албатта шу жойга йиғилиб, кўнгил очи-шади. Ҳалфана ош давла-шади.

Шундай кунлардан бири-да одатдагидек, ёғ-ғўшт, сабзи-пиёз тўғраб бўлиб, ёшлариди хангомаларни эслаб, ҳазил-хузул қилиб, қўлишиб ўтиришди. Ўқочбо-лида жаз-бузини қилиб, сабзини қовуриб, сув солиб келган ошпаз ҳам суҳбатга қўшилди. Роса чак-чақла-ишди. Гуруч соладиган вақт бўлганда ошпаз чиқиб кетди. Кўп ўтмай — ҳали гу-руч солиб улгурмаган ҳам

бўлса керак — бир нотаниш йигитни бошлаб қириб:

— Арзон ёғ бор экан мана бу йигитда, — деди. Йигит мулоимгина саломлашиб:

— Опам мой заводда иш-

— Қанча арзон?

— Икки баравар: магазин-

дагининг ярмича-да. Фақат

идиш бўлса бас. Фляга бўлса,

яхши бўларди. Кўпчилик қан-

дай идиш бериб юбориш

маслаҳатига тушди. Синчов-

роқ бир отахон:

— Ҳеч нимадан ҳеч нима

йўқ, идишни олиб кетасиз-

ми? — деб қолди. Йигит сал-

— Қанча арзон?

— Икки баравар: магазин-

дагининг ярмича-да. Фақат

идиш бўлса бас. Фляга бўлса,

яхши бўларди. Кўпчилик қан-

дай идиш бериб юбориш

маслаҳатига тушди. Синчов-

роқ бир отахон:

— Ҳеч нимадан ҳеч нима

йўқ, идишни олиб кетасиз-

ми? — деб қолди. Йигит сал-

— Қанча арзон?

— Икки баравар: магазин-

дагининг ярмича-да. Фақат

идиш бўлса бас. Фляга бўлса,

яхши бўларди. Кўпчилик қан-

дай идиш бериб юбориш

маслаҳатига тушди. Синчов-

роқ бир отахон:

— Ҳеч нимадан ҳеч нима

йўқ, идишни олиб кетасиз-

ми? — деб қолди. Йигит сал-

— Қанча арзон?

— Икки баравар: магазин-

дагининг ярмича-да. Фақат

идиш бўлса бас. Фляга бўлса,

яхши бўларди. Кўпчилик қан-

дай идиш бериб юбориш

маслаҳатига тушди. Синчов-

роқ бир отахон:

— Ҳеч нимадан ҳеч нима

йўқ, идишни олиб кетасиз-

ми? — деб қолди. Йигит сал-

— Қанча арзон?

— Икки баравар: магазин-

дагининг ярмича-да. Фақат

идиш бўлса бас. Фляга бўлса,

яхши бўларди. Кўпчилик қан-

дай идиш бериб юбориш

маслаҳатига тушди. Синчов-

роқ бир отахон:

— Ҳеч нимадан ҳеч нима

йўқ, идишни олиб кетасиз-

ми? — деб қолди. Йигит сал-

— Қанча арзон?

— Икки баравар: магазин-

дагининг ярмича-да. Фақат

идиш бўлса бас. Фляга бўлса,

яхши бўларди. Кўпчилик қан-

дай идиш бериб юбориш

Мен кимман? Қандай одамман?

ЮЗИНГИЗГА ҚИЗИЛЛИК ЮГУРГАНДА...

Марк Твен ўз вақтида бир ажойиб гапни айтиб кетганди: “Инсон — юзига қизиллик югурадиган ягона маҳлуқдир”.

Бу ҳусусият фақат одамгагина хос бўлиб, ўзига хос фавқулодда қобилиятни — физиология ва руҳиятнинг ўзаро таъсирини намоён этади. Айнан шунинг учун ҳам руҳиunosлар кўп йиллар мобайнида уни ўрганишган. Лекин ўсмирлар, ёшлар қизаришса — уларга фойз қиради, ёқимтой бўлиб қоладилар.

Қуйидаги саволларга жавоб бериб, уларнинг руҳиunosлар фикрига қанчалик мос келишини синая қўринг.

Тўғри Нотўғри

1. Терилари оқ кишиларгина қизаришади. ☐ ☐
2. Фақат танқид қилингандagina одам қизаради. ☐ ☐
3. Баъзан биронинг қизариб кетганини кўрганингизда ўзингизнинг юзингизга ҳам ранг қиради. ☐ ☐
4. Болалар тез қизаришади. ☐ ☐
5. Одатда фақат одамнинг юзи қизаради. ☐ ☐
6. “Қизариш” жараёнини назорат қилиб бўлмайди. ☐ ☐
7. Ҳозирги қизлар ҳам бувилари замонидагидек тез қизариб кетишади. ☐ ☐
8. Одамлар ҳатто ёлғиз қолганларида ҳам қизаришади. ☐ ☐
9. Одатда ёшларгина қизаришади. ☐ ☐
10. Одамнинг қизариши унинг диққат марказида бўлишга табиий интилишини зўрлаб бостиришга интилишдан келиб чиқади. ☐ ☐

ЖАВОБЛАР:

1. Нотўғри. Терилари ҳар қандай ранг-да бўлган кишилар ҳам қизараверади. Терилари қорамтир бўлган кишилар териси янада қорайиб қўринади.
2. Нотўғри. Одам қизариб кетса — бу ҳар қандай эътиборнинг натижаси бўлиши мумкин. У ҳоқ матос бўлсин, ҳоқ танқид — бунинг фарқи йўқ.
3. Тўғри. Агар одам биронинг қизартир-са — ўзи ҳам қизариши мумкин.
4. Нотўғри. Гудаклар тез қизаришса-да, бунинг сабаби “уларни қизартириш”да эмас. Бола, унга нима яхши-ю нима ёмон-лигини ўргатишгандан кейингина — чина-камига қизаради. Одатда бу икки-уч ёшда бўлиб беради.
5. Нотўғри. Қўлқоплар ҳам, бўйин ҳам, қўллар ҳам, қорин ҳам қизариши мумкин.
6. Тўғри. Одам уялганда ёки кишилар диққатини ўзига тортганда “қизариш жа-раёни”ни назорат қила олмайд қолади.
7. Нотўғри. Виктория даври аёллари шундай тарбияланган эдики, ҳар қан-дай нарсадан қизариб кетишаварди. Шунинг учун ҳам улар ҳозирги аёлларга нис-батан тезроқ қизаришга мойил бўлишган.
8. Тўғри. Баъзан ҳеч қандай гувоҳлар-сиз ҳам қандайдир бир вазият ҳақида ўйла-шингиз билан қизариб кетганингизни сез-шингиз мумкин.
9. Нотўғри. 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган одамлар тезроқ қизаришади. Ундан катта ёшдагилар камроқ қизаришади. Шундай бўлса-да, муайян ҳолатларда юзларига қизил югурадиган кексаларни ҳам учратиш ҳеч гап эмас.
10. Тўғри. Доктор Сандор Фелдман айт-ганидек: “Жуда ёшлгимиздан, ўзингизга одамлар эътиборини тортма, деб ўргати-шади. Шунинг учун биз ўзимизни мўйин-қўбил қилиб кўрсатамиз — атрофдагилар (аввалоги ота-оналаримиз, кейин эса бар-ча атрофимиздагилар) бизнинг ҳақимизда яхши фикрда бўлишлари учун ҳушомат-гўйлик никобинин қилиб юрамиз. Бироқ, ҳақиқат ҳаммаша ўзини намоён этади — агар ўзимизда кимнингдир эътиборини тортиш истагини босар эканмиз, юзимизга қизил ранг югура бошлайди ва шу билан бари-бир аввал хоҳлаганимиздек эътиборни тор-тамыз.

Мухтабар АХМЕДОВА
тайёрлаган.

Бўлган воқеа

АРЗОН ШЎРВА ТАТИМАС

лайдилар, — деди, — уч ок-лад билан муқофотлашибди. Пул ўрнига ёғ беришибди. Сотиб бергин деб илтимос қилдилар.

— Қанча ёғ, — деб сўради кексалардан бири.

— Пахта ёғ, — деди йигит,

— пули ҳам қиммат эмас, ма-

газиндагидан арзон.

ўпқалангандай бўлди:

— Ие, ишонмаясизми?

Ҳаммамиз мусулмонмиз-ку,

наҳот алдасам.

— Ёғ, ўзи қаред?

— Мана, нариги маҳалла-

даги мактабда. У ерда сотга-

нимдан қолганини сизларга

олиб келмоқчиман.

— Нега олиб келаверма-

дингиз? Мен ишонмайман, —

деди яна синчов чол.

Йигит хафа бўлиб, ташка-

рига йўл олди. Уч-тўрт киши

кетидан чиқибди.

Синчов отахон кейин бил-

са, ховлига чиққанда йигитни

тўхтатишибди. Тўй-ҳашам-

ларда ишлатилдиган, сир-

ланган энг катта кастрюлни

ҳужрадан олиб чиқиб, бериб